

МАМЛАКАТИМИЗ КАПИТАЛ БОЗОРИДА МАВЖУД МУАММОЛАР ҲАМДА ТАРТИБГА СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Р.Пулатова

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг Каттақўргон филиали
Бизнесни бошқариш таълим юналиши 3-босқич талабаси

К.Щопулатова

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг Каттақўргон филиали
Бизнесни бошқариш таълим юналиши 3-босқич талабаси

О.Н.Хаитов

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг Каттақўргон филиали
ассистенти

Аннотация:

мазкур мақолада ўзбекистонда капитал бозорини ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган бир қатор муаммолар мавжуд. Давлат улуши мавжуд бўлган корхоналар фаолиятига давлат органларининг аралашувининг мавжудлиги, корхонанинг тегишли тармоқда, шунингдек, капитал бозорида юзага келиши мумкин бўлган рискларни баҳолаш ва бошқариш тизимининг мавжуд эмаслиги, хусусийлаштириш жараёнлари самарадорлигининг пастлиги, капитал бозорида даромадлилик даражаси пастлиги, молиявий активларнинг ликвидлиги юқори эмаслиги кабилар шулар жумласидандир.

Калит сўзлар: Қимматли қоғозлар, капитал бозори, инвестициялар, инновациялар, инвестиция фаолиятига таъсир қилувчи омиллар, солиқ концепцияси, солиқ имтиёзлари, савдо ва бож тарифлари.

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Мамлакатимиз капитал бозорида эътибор қаратадиган бўлсак, капитал бозорида бир қатор ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар мавжудлигини кўриш мумкин. Хусусан, маҳаллий капитал бозори иштирокчиларидан аксариятининг акциялари даромадлилик даражаси қониқарли даражада эмас. Потенциал инвесторларнинг бўш маблағларини капитал бозорига жалб қилиш учун капитал бозоридаги қимматли қоғозларнинг даромадлилиги қониқарли даражада бўлиши керак. Акс ҳолда потенциал инвесторлар кўпроқ даромад олиш учун ўз маблағларини банк омонатларига ёки ўз салоҳияти ва тажрибасидан келиб чиққан ҳолда бошқа бизнес фаолиятига йўналтириши мумкин. Шу сабабли мазкур мавзуни ўрганиш долзарблик касб этади.

Тадқиқот мавзусидаги мавжуд муаммолар. Ўзбекистонда капитал бозорини ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган бир қатор муаммолар мавжуд. Давлат улуши мавжуд бўлган корхоналар фаолиятига давлат органларининг аралашувининг мавжудлиги, корхонанинг тегишли тармоқда, шунингдек, капитал бозорида юзага келиши мумкин бўлган рискларни баҳолаш ва бошқариш тизимининг мавжуд эмаслиги, хусусийлаштириш жараёнлари самарадорлигининг пастлиги, капитал бозорида даромадлилик даражаси пастлиги, молиявий активларнинг ликвидлиги юқори эмаслиги кабилар шулар жумласидандир.

Таҳлил ва натижалар. Ўзбекистонда капитал бозорини ривожлантириш, капитал бозорини ривожлантиришдаги тўсиқларни бартараф этиш ва муаммоларни ҳал этиш ҳамда капитал бозорида институционал инвесторлар фаоллигини ошириш мақсадида қатор чора-тадбирлар қўлланилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январда “Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5630-сон Фармони эълон қилинган ҳамда мазкур ҳужжатда мамлакатимизда капитал бозорини ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган қуйидаги бир қатор муаммолар санаб ўтилган (1-расм).

1. Устав капиталда давлат улуши бўлган корхоналарнинг кундалик хўжалик фаолиятига давлат органлари аралашувининг юқори даражадалиги, бозор тенденцияларига мослашувчанлик ва сезувчанликнинг йўқлиги, давлат иштирокидаги корхоналарнинг солиқ ва божхона, шу жумладан, яқка тартибдаги хусусиятга эга бўлган имтиёзларга ҳаддан ташқари боғлиқлиги

2. Стратегик режалаштириш, хавф-хатарларни таҳлил қилиш ва бошқариш тизимининг йўқлиги, шу жумладан ишлаб чиқаришнинг паст техник даражаси, кўплаб ихтисосликка кирмайдиган активлар мавжудлиги, молиявий ресурсларнинг ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлмаган мақсадларга йўналтирилиши сабабли давлат иштирокидаги корхоналарнинг инвестициявий жозибадорлиги пастлиги

3. Давлат активларини ҳисобга олишнинг тартибли тизими йўқлиги, хусусийлаштириш жараёнларини бошқариш самарадорлигининг пастлиги, фаолият кўрсатмаётган корхоналар ва бўш ётган объектларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини тиклаш учун институционал салоҳиятнинг сустлиги

4. Монополияга қарши қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари бўйича ўз вақтида ва самарали текширувлар ўтказиш учун ваколатли органда ҳуқуқлар ва институционал потенциалнинг етарли эмаслиги

5. Монополияга қарши курашишни тартибга солиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг халқаро стандартлар ва бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги, қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш тизимининг йўқлиги ҳамда товар ва молия бозорларини таҳлил қилиш усулларининг эскирганлиги

6. Хўжалик юритувчи субъектларда монополияга қарши қонун ҳужжатлари бузилишининг олдини олишга доир корпоратив стандартларни (монополияга қарши комплаенс) жорий этиш бўйича тизимли ишларнинг, монополияга қарши курашишни тартибга солиш, рақобат ҳуқуқи ва сиёсати, шунингдек истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида кадрларни тайёрлашнинг барқарор тизими йўқлиги


7. Мамлакат капитал бозорининг ҳозирги ҳолати иқтисодиётнинг реал секторига узоқ муддатли ва тўғридан тўғри, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича мавжуд имконият ва салоҳиятдан фойдаланишга имкон бермаётганлиги

1-расм. Мамлакатимизда капитал бозорини ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган муаммолар [1]

1-расмда Ўзбекистонда капитал бозорини ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган асосий муаммолар санаб ўтилган бўлиб, давлат улуши мавжуд бўлган корхоналар фаолиятига давлат органларининг аралашувининг мавжудлиги, корхонанинг тегишли тармоқда, шунингдек, капитал бозорида юзага келиши мумкин бўлган рискларни баҳолаш ва бошқариш тизимининг мавжуд эмаслиги, хусусийлаштириш жараёнлари самарадорлигининг пастлиги кабилар шулар жумласидандир.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

5630-сонли Фармонида капитал бозорини ривожлантириш мақсадида Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги тузилиши белгиланди ва 2019 йилда Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази негизда Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ташкил этилди. Капитал бозорини ривожлантиришда давлат сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида капитал бозорини ривожлантириш стратегиясини шакллантириш, мамлакатимиз капитал бозорининг инфратузилмасини самарали шакллантириш, иккиламчи қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш ва кенгайтириш, капитал бозори иштирокчилари фаолиятида корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш, корпоратив бошқарув ва капитал бозорини тартибга солиш учун халқаро алоқаларни ривожлантириш каби йўналишлар ишлаб чиқилди ва ушбу йўналишларнинг самарали фаолиятини йўлга қўйишда Капитал бозорини ривожлантириш агентлигининг иштироки ушбу Фармон асосида белгиланди (2-расм).



2- расм. Капитал бозорини ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари [1]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Капитал бозорини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5073-сонли Қарори қабул қилинди. Мазкур Қарор асосида 2021 йил 1 майдан бошлаб Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги тугатилиб, унинг тегишли вазифа, функция ва ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ўтказилди ҳамда мазкур вазирлик таркибида Капитал бозорини ривожлантириш департаменти ташкил этилди [2].



3-расм. Капитал бозорини ривожлантиришдаги асосий йўналишлар[3]

Шунингдек, капитал бозорини ривожлантириш ва капитал бозори иштирокчилари фаолият самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6207-сонли Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармонда капитал бозорини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди.

Юқорида ўрганилган капитал бозори бўйича ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар асосида бир қатор жиҳатларга эътибор қаратиш лозим. Биринчидан, 2019-2021 йиллар оралиғида мамлакатимизда капитал бозорини тартибга солувчи орган бир неча марта ўзгарганлигини кўришимиз мумкин. Яъни 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази негизида Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги тузилган бўлса, 2021 йилга келиб мазкур агентлик тугатилди ва унинг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига берилди. Иккинчидан, капитал бозорини тартибга солувчи органларнинг ўзгариши билан бир қаторда капитал бозорини ривожлантиришнинг асосий йўналишларининг такроран белгиланганлигини ҳам кўришимиз мумкин. Юқоридаги каби ҳолатлар капитал бозорини ривожлантириш учун амалга оширилиши бўйича бошланган ёки режалаштирилган чора-тадбирларда ўзига яраша мавҳумлик ёки ўзгаришлар юзага келишига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Бизнинг фикримизча, бундай ҳолатларда нафақат хорижий институционал инвесторларни, балки маҳаллий институционал инвесторларни ҳам капитал бозорига жалб қилиш, уларнинг фаоллигини ошириш, бўш турган пул маблағларини капитал бозорига йўналтириш каби масалаларни ҳал этиш янада ортга сурилади.

Хулоса. Ўзбекистонда капитал бозорини ривожлантириш ва унда институционал инвесторлар фаоллигини ошириш учун инвестор ёки молиявий воситачи сифатида хорижий институционал инвесторларни жалб этишга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Шу сабабли хорижий институционал инвесторлар, хусусан, чет эл банклари ва инвестиция воситачилари учун маҳаллий капитал бозорида иштирок этиш учун шароит

яратиш лозим. Хусусан, чет эл банклари ва инвестиция воситачиларига лицензия олмасдан қимматли қоғозлар бўйича андеррайтинг фаолиятини амалга ошириш имкониятини тақдим этиш зарур. Мазкур ҳолатда чет эл банклари ва инвестиция воситачиларининг лицензия олмасдан қимматли қоғозлар бўйича андеррайтинг фаолиятини амалга ошириши бўйича алоҳида талаблар ва мезонлар ишлаб чиқилиши зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5630-сонли Фармони, 14.01.2019; <https://lex.uz/uz/docs/-4160392>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Капитал бозорини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5073-сонли Қарори. 13.04.2021. <https://lex.uz/docs/5370971>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6207-сонли Фармони. 13.04.2021. <https://lex.uz/docs/5370971>